



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

38 (255) ● 2013 йил 1 октябрь, сешанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Юртимизда азалдан илм ўргатган, таълим ва тарбия берган инсон улуғлиги, устозларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Қорақалпоғистонда ёш авлодни спортга янада кенг жалб этиш, болаларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишига кўмаклашиш ишлари изчил давом эттирилмоқда

6 ЖАРАЁН



Хотин-қизлар ўртасидаги олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини берадиган мусобақадир

8 КЎЗГУ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Кадрли дўстлар!

Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамлилик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини синдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси бекиёс эканини ҳалқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишда кўмаклашган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйламанки, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар! Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аёндыр.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни куриш, иқтисодий-маънавий биз учун янги аснода - бозор муносабатлари негизда ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг қўламли ислохотларни жорий қилиш, мухтастар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини гурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз рўйрат эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз

ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биланам: биз билим ва тарбия бериб вояга етказётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камданкам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатиниғиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли дўстлар! Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум. Бундай кескин рақобат айниқса илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққийёт соҳасида яққол намён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққийётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривож учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатга на бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани беҳиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни ҳолисона баҳолаб эканмиз, таълим-тарбия соҳасида хали қиладиган кўпгина вази-фаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни мантиқий яқунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчилиқка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муас-сасалари, хусусан, умумтаълим мак-таблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожланти-риш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахона-лар билан таъминлашни давом этти-риш, янги таълим стандартлари, да-стур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган уз-луқсиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртла-рининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак мала-кали мутахассис ва кадрлар тайёр-лаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаш-тириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи та-қозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молия-лаштириш учун Олий таълим муас-саларининг моддий-техник базаси-ни ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айна шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётга-ни алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз-кечиб, иқтисодий ривожланган дав-латларда қабул қилинган стандар-тларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтга-нимиз ва бу йўналишда туб ўзга-ришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг қўламли ис-лохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз аввало институт ва университетла-римиздаги ўқув жараёнларини, улар-нинг юксак талабларга жавоб бера-диган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илгор олий ўқув юртлари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокор-она меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътибо-рини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқич-дани иборат узлуқсиз таълим тизи-мини — бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими бўла-димми, олий таълим соҳаси бўлади-ми — буларнинг барчасини ягона бир ғоя, умумий бир мақсад бир-лаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ухам бўлса, жондан азиз фарзанд-ларимизни жаҳон илм-фани чўққила-рини забт этган, чуқур билим ва ўстақиллик фикрига эга бўлган етуқ инсон ва мутахассислар этиб тарбия-лаш, барча куч ва имкониятларимиз-ни шу йўлда сафарбар этишдир, де-сак, олдимизда турган буюк вази-фининг маъно-мазмунини ифода этган бўлаемиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлари-да, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-ма-мотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаёт-ган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққийоти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўланма бериш йўлидаги бекиёс хиз-матингиз, бегараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқи-миз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сихат-саломатлик, оила-ларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омад-лар тилашга рухсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳ-рибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Ватанимиз келажаги, тараққийоти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қай даражада камол топишига боғлиқ. Бу масъулиятли вазифани адо этишда ўқитувчилар, устоз ва мураббийларнинг хизмати бекиёс.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш устувор ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ва бир неча йилдан буён кенг нишонланаётган 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

...30 сентябрь куни мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатимизнинг бош майдонидаги ҳуррия-

тимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгуниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пой-га гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳ-бари ташаббуси билан бунёд этил-ган "Маърифат маркази" мажмуи, Алишер Навоий номидаги Ўзбеки-стон Миллий боғи, замонавий иншо-отлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

Шу куни "Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идо-ралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрий-лари, илгор ўқитувчи ва мураббий-лар, тарбиячилар, маънавият тарғи-ботчилари, маҳалла фаоллари та-клиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислом Каримовнинг Ўзбе-

кистон ўқитувчи ва мураббийлари-га байрам табригини Президент-нинг Давлат маслаҳатчиси Х.Сул-тонов ўқиб эшиттирди.

Истиклолнинг дастлабки кунла-ридан таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳ-бари ташаббуси билан қабул қилин-ган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, Бола-лар мусика ва санъат мактаблари-нинг моддий-техника базасини мус-таҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат да-стури мустақил ва соғлом фикрли авлодни вояга етказиш, юксак ма-лакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётди.

2-бет

Эҳтиром



Эътибор ва эъзоздаги мўътабар зот

Устоз — жажжи қўлчаларга илк бор қалам ушлатиб, оппоқ қоғозни қоралаганча Она ва Ватан сўзларини ёзишни ўргатган, онгу шууримизда ён-атрофга нисбатан илк тушунчаларни уйғотган, қабимизда она Юртга садоқат, ота-онага меҳр-муҳаббат ҳамда ўзаро дўстлик туйғуларини жўш урдира олган меҳри дарё, қалби уммон зотидир. Бу инсоннинг меҳридан, шижоатию маънавий дунёсидан баҳраманд бўлган фарзанднинг келажаги порлоқ, мартабаси улуг бўлажак.

Юртимизда ана шу буюк зотларга бўлган эҳтиром, ҳурмат ва эътибор мустақиллик йилларида олий дара-жага кўтарилди. Ўзининг истеъдоди ва маҳоратини, кўз нурию қалб кўрини бахш этиб, ёш авлод вакил-ларига билим, илм-фан сирлари ва

одамийлик сабоқларини ўргатади-ган мўътабар инсонларга қанча тах-син ва тасанно айтсак, арзийди. Шу маънода 1 октябрь санаси юртимиз-да 17 йилдан буён Ўқитувчи ва му-раббийлар куни сифатида кенг ни-шонлаб келинмоқда. Шуни алоҳида

эътироф этиш жоизки, санокли мам-лакатлар, жумладан, Ўзбекистонда-гина ўқитувчи ва мураббийлар куни байрам сифатида кенг нишонлана-ди. Бу йилги байрам шодиёнаси ҳам ўзгача шуқуҳ ва кўтаринчилик билан нишонланмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган фармонида биноан ўқитувчилар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида ало-ҳида ўрнатилган кўрсатган бир гуруҳ ус-тоз-мураббийларнинг давлат муко-фотлари билан тақдирлангани юр-тимизда уларга бўлган ҳурмат ва эътибор намунасидаир.

5-бет

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди ва ўнлаб янги мактаблар қурилди. Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусика ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, уларнинг фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 410654 нафар ўқитувчи фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги гамихурлик туйғайли ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 3465 нафар устоз ва мураббий Ватанимизнинг юксак унвонларига, ордени ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қўрамонлари борилиги янада қувончлидир.

Президентимизнинг 2013 йил 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Мактабларга ёш мутахассис кадрларни кенг жалб қилиш, уларнинг илмий-ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жумладан, жорий йилда 7065 нафар ёш мутахассис янги ўқув йилида умумтаълим мактабларига иш бошлади.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилган ишларни қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга келиши ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг 12 номдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкасидан иборат совғаси таркибидан инглиз тилидан "Kid's english", немис тилидан "Deutsch macht spab", француз тилидан "Hirondelle" дарслик мажмуалари яратилиб, бу йил 1-синфга борган 528972 нафар ўқувчига тўхфа этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назорати тобора оширилиб, барча умумтаълим мактабларида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу маърифий-маънавий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили аънавий тарзда ўтказилаётган «Йил

нинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови илғор, ташаббускор, фаол, фидойий педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолибларига диплом ва совринлар топширилди.

— Президентимизнинг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган улкан меҳр ва эътиборидан кўнглимиз тоғдек ўсиб, калбимиз чексиз фаҳрга тўлмоқда, дейди Ўзбекистон Қўрамони, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов.

— Жўрагон аҳлининг ҳавасини тортаётган бундай кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажиги бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишонччи ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Махмуд Исмоилов, Ўзбекистон Қўрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анора Махмудова, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Соғуний» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмухамедова таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

нинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови илғор, ташаббускор, фаол, фидойий педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолибларига диплом ва совринлар топширилди.

— Президентимизнинг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган улкан меҳр ва эътиборидан кўнглимиз тоғдек ўсиб, калбимиз чексиз фаҳрга тўлмоқда, дейди Ўзбекистон Қўрамони, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов.

— Жўрагон аҳлининг ҳавасини тортаётган бундай кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажиги бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишонччи ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Махмуд Исмоилов, Ўзбекистон Қўрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анора Махмудова, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Соғуний» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмухамедова таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ислоҳотлар янги марраларни забт этишга хизмат қилади

Қашқадарё ўзининг салоҳияти, содда ва жўмард инсонлари, меҳнаткаш аҳолиси, эртанги кунга ишонч билан одимлаётган ёшлари билан давлатимиз қудрати, юртимиз раънақини таъминлашга интилаётган, ҳақимизнинг ўзига хос қадриятларини ўзида ҳо элган маскан ҳисобланади. Шунингдек, азалдан маданияти, маънавий мероси, осори-атиқалари, қадамжолари, олимۇ фузалолари билан юртимиз тарихида алоҳида ўрин тутаяди.

Куни кеча халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз вилоятдаги аҳвол, амалдаги ўзгаришлар ва ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар, шунингдек, олдимизда турган вазифалар хусусида атрофли тўхталиб ўтилди. Худудни иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳалар бўйича янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратар эканлар, аввало, охириги йилларда эришилган ютуқ ва марралар, ижобий натижаларни яққол кўрсатиб турувчи айрим рақамларни таҳлил қилдилар.

Жумладан, мамлакатимиз ялпи sanoat маҳсулотининг қарийб 11 фоизи, етиштирилаётган пахта ва donning 12 фоиздан орტიқ қисми қашқадарёликлар улуши эканлиги, албатта, уларнинг ҳар бирида гурур ва ифтихор уйғотади. Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, вилоятда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, вилоят ялпи худудий маҳсулотига sanoat 39 фоизини ташкил этади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётганига алоҳида тўхталиб, бу борада охириги ўн икки йилда 320 та умумтаълим мактаби, 89 академик лицей ва касб-хунар коллежи, 132 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 98 та болалар спорт объекти, 2 минг 510 та намунавий асосдаги уй-жойлар қурилгани, бу эса одамларнинг дунёқарашини ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартиришга хизмат қилаётганини эътироф этди. Дарҳақиқат, вилоятда бунёд этилаётган ҳар бир иншоот аҳоли фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Сессияда давлатимиз раҳбари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққиёт йўлини барча соҳалар мисолида кенг таҳлил қилиш билан бирга келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларга ҳам тўхталиб ўтди. Албатта, Қашқадарёнинг салоҳияти, унинг табиий бойликлари, меҳнат ресурслари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, ислоҳотларни янада жадаллаштириш имкониятлари мавжуд. Шу маънода, аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш борасида ҳаёт олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Бунда кадрларнинг салоҳияти, билими, етакчилик қобилияти муҳим роль ўйнайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ислоҳотларнинг ютуғини етук мутахассис кадрлар ҳал этади.

Таъкидлаш жоизки, олдимизда турган қилиниши лозим бўлган ишлар, амалга оширилиши режалаштирилган дастурлар биздан фидойиликни, шу билан бирга, масъулиятни талаб этади. Жумладан, депутатлар корпуси ишини фаоллаштириш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенгроқ тушунтириш, сиёсий партиялар фаолиятини янада ошириш, жамоат назоратини кучайтириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини кенгайтириш орқалигина биз Президент билдирган ишонччи оқлай оламиз.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз дастурида белгилаб олган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида электроти булган зиёликлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар манфаатларидан келиб чиқиб, давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарув органларида ўз вакиллари орқали иштирок этади. Маҳаллий Кенгашларда ўз депутатлик гуруҳлари орқали долзарб масалаларни олиб чиқади ва уларнинг ечимини биргаликда ҳал этишга кўмаклашади.

Урал ХАЙТОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

* * *

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча худудлари қатори Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. Қай бир соҳада бўлмасин, истиқлол шарофати билан яратилган шарт-шароит ва имкониятлар натижасида тараққиёт сари одимлаб боришмоқда. Шунингдек, ҳар бир соҳада кўлга кiritилган ютуқ ва марралар замирида, аввало, шу заминнинг меҳнаткаш, танти ва ҳалол инсонлари меҳнати ётади. Бу жиҳат халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилгани биз қашқадарёликларнинг қайфияти ва руҳиятини янада кўтариб, ғайратимизга ғайрат бағишлади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Қашқадарёнинг қутлуғ замирида улғу ишларга, катта мардлик ва матонат кўрсатишга қодир булган халқ яшайди», деган фикрлари вилоят аҳлини янада руҳлантириб юборди.

Дарҳақиқат, босиб ўтган 22 йиллик мустақил тарраққиёт йилларида қайта назар ташлайдиган бўлсак, биргина вилоятимиз миқёсида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Бугун вилоятимиздаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, замонавий ва кўркем тус олаётди. Айниқса, тарихий шаҳарларимиз — Қарши ва Шахрисабз (қадимий Кеш) тарихий қиёфасини йўқотган ҳолда замонавий кўркемлини ўзида акс эттирмоқда. Бу иккала шаҳар нафақат вилоятимизнинг, балки бутун халқимизнинг фахри, ифтихоридир. Мазкур шаҳарларга ташриф буюраётган минглаб хорижий сайёҳлар шаҳарни томоша қилиш, унинг тарихини ўрганиш билан бирга ўзбек халқининг турмуш тарзи, миллий қадрият ва урф-одатлари билан ҳам танишади ва шу асосда халқимизга нисбатан қуқур хурмат-эътиром ҳисси билан қайтишади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикрлар ЎЗМТДП вилоят Кенгаши фаоллари ва барча даражадаги депутатлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Бугунги давр маҳаллий кенгашлар, уларнинг комиссиялари ҳамда депутатлик гуруҳлари ишини янада яхшилашни талаб этмоқда. Маълумки, шу йилнинг ноябрь-декабр ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оксоколлари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Хорижий давлатлар арбоблари, эксперт ҳамда мутахассислари эътироф этишганидек, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришининг ноёб ва ўзига хос шакли ҳисобланади. Модомики шундай экан, халқ вакили сифатида биз депутатлар учуви сайловларда фаол иштирок этишимиз лозим бўлади.

Ойниса ОЧИЛОВА,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат

Фракция ҳаёти

Кенгайтирилган йиғилиш

қонун лойиҳаларини такомиллаштиришга қаратилди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, партия фаоллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари кенг муҳокама қилинди.



чиқишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мажбуриятлари ифодаланган.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Арслон ЭШМУРОДОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда партиямиз Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш, ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатларига маънавий-миллий қадриятлар ва аънавларини сингдиришга қаратилган илчил йўлни қўллаб-қувватлайди.

Бахс-мунозаралар давомида қонун лойиҳасининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатларига оид нормаларини янада кучайтиришга эътибор қаратилди. Зеро, шу орқали мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини янада кенгроқ таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий кафолатлари вужудга келади.

Қамолiddин ҲОТАМОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

да ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ равишда кенг тарқалаётган «электрон мурожаат» турининг ҳуқуқий асосларини мустахкамлашда муҳим ўрин тутаяди, - деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Олимжон Оқиллов. — Шунингдек, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулиятини янада оширади. Урни келганда айтиш жоизки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎЗМТДПнинг асосий йиғилишида Платформасида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиш каби устувор вазифалар ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

Йиғилишда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида амалиётда дуч келинаётган тақрирлий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилгани, таъриф берилгани ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланганига эътибор қаратилди. Эътироф этилганидек, қонун лойиҳасида давлат органлари ва

бошқа ташкилотлар томонидан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибин янада такомиллаштириш назарда тутилган. Жумладан, лойиҳанинг 1-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органлари, шу жумладан, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, мурожаатларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга булган ташкилотларга (шахсларга) мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Қонуннинг предмети ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Лойиҳада қонуннинг субъекти сифатида фуқаролар билан бир қаторда юридик шахсларнинг ҳам назарда тутилганлигини инобатга олиб, мурожаатларга ҳамда уларда кўрсатиладиган реквизитларни аниқлаштиришга қўйиладиган талаблар қайта кўриб чиқилган. Бундан ташқари, турли хил амалиёт шаклланишининг олдини олиш мақсадида мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муқддатларни ҳисоблаш тартиби аниқлаштирилган. Қонун лойиҳасининг 4-бобида мурожаатларни кўриб

Республикаси Қонунининг ҳуқуқий тартибга солиш предметини фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этади. Бироқ, юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш механизми белгиланган бўлмаган. Бу фуқаролар билан бир қаторда юридик шахсларнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш институтидан фаол фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Депутатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ булган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни таъмирлаш, ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарлиқни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

— Мазкур қонун лойиҳаси тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз-

Қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтган муҳокама Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎЗМТДП фракцияси раҳбари Улугбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очди. — Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон манфаатлари ҳамда ҳуқуқларининг таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишининг муҳим омилларидан биридир. Ушбу муҳим масала Асосий Қонунимизнинг бир қатор моддаларида акс этган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар» ёки: 35-моддасида: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муқддатларда кўриб чиқилиши шарт»лиги белгиланган, - деди нотик.

Таъкидланганидек, амалдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон

Партия олдидаги долзарб масалалар

ҳудудий ташкилотларда ўтказилган тадбирларнинг бош мавзусига айланади

ФАРҒОНА

ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг "Ўзбек халқига тинчлик, омонлик керак" рисоласи мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишга қаратилган тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони мафкуравий-маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Ф.Муратов Президентимиз раҳнамолигида давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислотларга эътибор қаратди. Шунингдек, тадбирда халқимизнинг фаровон турмуши ва буюк келажагини мақсад қилган янгилашларни ҳаётимизга самарали татбиқ этиш жараёнига ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг ва, албатта, сиёсий партияларнинг ҳам асосий вазифаси ҳисобланиши, мазкур жараёнларда Президент асарлари дастуриламал сифатида хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Тадбир қизгин баҳс-мунозаралар ва фикр-мулоҳазаларга бой ружда ўтди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎЗМТДП Нукус шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўрганиш юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

— Президент асарини мутлола қилиш жараёнида янги тарихимизнинг кўп қирраларини кашф этдик, - деди тадбирни кириш сўз билан очган партия Нукус шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари А.Отенязова. — Мақсадимиз ватанамиз мустақиллиги йўлида олиб борилган машаққатли курашлар кенг акс эттирилган ушбу асар асосида партия сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш, эришилган ютуқларни улғайтиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ аълоқларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотишдан иборатдир.

Партия фаоллари тадбир якунида Президент асарлари юзасидан ҳудудларда кўрик-танловлар, ўқув-семинарлар ўтказишни келишиб олдилар.

СИРДАРЁ

ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини бойитишга қаратилган "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, ФХДЭ ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мустаҳкам оила - ёшларимиз келажаги таянч ва пойдевор ҳисобланади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП Сайхунбод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Эрназаров. — Шу нуқта назардан мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан оила институтини янада ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда "Аёллар қаноти" етакчиси Н.Нурбоева сўзга чиқиб, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда оилаларда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

— Партия сайловолди Платформасида оила институтини асраб-авайлашга кўмаклашишга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Бу борада партия ҳудудий ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ҳамкорлигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, партияимиз аъзолари вилоят ФХДЭси билан ҳам узвий алоқада бўлиб, ўзаро ҳамкорликда никоҳдан ўтаётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, икки томоннинг никоҳга ихтиёрий розилиги ва никоҳ шартномаси ҳақида кўникма ҳосил қилиш мақсадида ўтказилаётган давра суҳбатларида ўзи нажасини бермоқда, десак хато қилмаган бўлаемиз.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиктирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

БУХОРО

ЎЗМТДП Қорақўл туман Кенгаши томонидан "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" шiori остида юртимизнинг танқили санъат арборлари, спорт усталари билан партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик машҳур қила олмайди, - деди тадбир иштирокчиси миллий кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони, спорт устаси Нурмухаммад Юсупов. — Ўртбосимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мамлакатимиз ёшларини жаҳон микёсидан шохсупаларга кўтарилишида асосий восита бўлмоқда. Бугунги ёшларимизга кун дилдан ҳавас қиламан. Чунки, ҳатто энг олис қишлоқлардаги кўркам спорт иншоотлари ҳам кўзингизни қувватлади.

— Юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етишишига кўмаклашиш ҳамда улар онгига миллий гурур, ватанга муҳаббат туйғуларини сингдириш партияимизнинг дастурий мақсадларидан биридир, - деди сўзга чиққан "Ёшлар қаноти" етакчиси Н.Очилова. — Бугунги кунда сиёсий партиялар жамиятни янгилаш ва тўғ ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. Партия сайловолди Платформасида таъкидланганидек, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий гурурини уйғотиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Талаба-ёшлар давра суҳбати сўнггида ўзларини қизиктирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Фаол иштирокчилар партия туман Кенгаши томонидан етакчи совғалари билан тақдирландилар.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир



Таъзим сизга, устозлар!

ЎЗМТДП "устоз-шоғирд" анъанавий мураббийлик институтини янада ривожлантириш ва таълим соҳаси фидойиларини қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади

Меҳр нури ёғар доим
Сўзингиздан устозлар.
Юрсам дейман ул табаррук
Изингиздан устозлар!

Барчамизга болалгимиздан ёд бўлиб кетган ва қалбимизнинг тўридан жой олган ушбу сатрлар ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Тошкент Давлат Архитектура ва қурилиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган "Таъзим сизга, устозлар!" мавзусидаги тадбир иштирокчилари қалбини яна бир бор нурлантирди. "Устоз ва мураббийлар кўни" муносабати билан ташкил этилган тадбирда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" етакчилари, юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртлири ҳамда Тошкент архитектура ва қурилиш институти профессор-ўқитувчилари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди:

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, юксак интеллектуал салоҳиятни, бой дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди, - деди партия етакчиси. — Дав-

латимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган махсус давлат Дастурлари асосида юзлаб мактаб, лицей ва касб-хунар коллежлари замон талаблари асосида қурилди, мавжудлари тубдан реконструкция қилинди, ўқув жойлар ва воситалари билан тўлиқ таъминланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш, ёш авлодни жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг муносиб воқислари этиб тарбиялаш, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда ўқитувчи ва мураббийларнинг захматли меҳнатларини улғулаш, уларни қўллаб-қувватлашни асосий мақсадлари сирасига киритган.

Тадбирда Тошкент Давлат Архитектура ва қурилиш институти проректори Абдуқобил Тулаганов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Юртимизда азалдан илм ўргатган, таълим ва тарбия берган инсон улғулиги, устозларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган. Миллий қадриятларимизнинг бир қўриниши бўлган ушбу эътибор мустақиллик йилларида мутлақо янги мазмун ва моҳият касб этади. 1996 йилда "Ўқитувчи ва мураббийлар кўнини белгилаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ва 1 октябрь мамлакатимизда умумхалқ байрами деб эълон қилиниши ўқитувчи ва му-

раббийлар меҳнатига берилган юксак эътиборнинг аққол намунаси бўлди.

Эътироф этилганидек, ватанимизнинг тараққиёт йўлидан дадил одимлаши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимиз иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий салоҳияти юксалиб боришининг муҳим воситаларидан бири бўлган таълим соҳаси йилдан-йилга ривож топиб бормоқда. Бу жараёнда ЎЗМТДП электроратининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали меҳнат қилиши, фаолиятига илмий-ижодий ёндашиши, изланиши учун барча шароитлар яратиб беришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу каби юксак рағбат ва эътибор жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида эътироф этилмоқда.

Анъанавий "устоз-шоғирд" мураббийлик институтини ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш партияимизнинг асосий мақсад ҳамда вазифалари сирасига қиради. Бу борада ЎЗМТДП ёшларнинг замонавий аниқлаш, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ва нодавлат тизимларини ривожлантириш ҳамда таълим тизимини тартибга солуви қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилишига оид чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиб келмоқда. Ўтказилаётган тарғибот ишларида партия ташкилотлари ва депу-

Мавлуда АЛИМОВА,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қўллаб-қувватлаш бўлими ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши дунё мамлакатларида кам учрайдиган, мукамал таълим жараёнининг йўлга қўйилишида дастуриламал бўлди. Асосан юртимизнинг зиёлилари, таълим соҳаси ходимларини ўз атрофида бириктирган ЎЗМТДП бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишига интиломоқда. Партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари таълим соҳасидаги қонунлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, бу борадаги қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Жойларда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партияимиздан сайланган депутатлар томонидан соҳа ходимлари ҳамда ёшлар манфаатини ифода этувчи масалалар маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига ташаббус-масала сифатида киритилмоқда.

Ҳанифа ЗОКИРОВА,
ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Партияимиз "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Ўқитувчи ва мураббийлар кўни" муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш анъана тусини олган. Бундан асосий мақсад ЎЗМТДПнинг электорати ҳисобланган зиёлилар, устоз ва мураббийларнинг самарали меҳнатларини муносиб рағбатлантириш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали партияимиз сафини юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган аъзолар билан бойитишдир. Бугунги ташкил этилган тадбир ҳам ана шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шаҳноза ҲАЛИЛОВА,
Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти профессори,
ЎЗМТДП Марказий Кенгаши аъзоси:

— ЎЗМТДП томонидан ташкил этилган мазкур тадбир партиянинг фаол аъзолари ҳисобланган устоз ва мураббийлар меҳнатини улғулаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга муҳим аҳамият касб этади. Бу каби тадбирлар юртимизнинг нуфузли олий ўқув юртлирига ёш авлод вакиллари таълим тарбия бериш бораберида партия фаолияти, тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этиб келаётган устозлар шижоатига шижоат қўйиши, ЎЗМТДП фоялари тарғиботида янада фаол иштирок этишга ундаши шубҳасиз.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

— Боиси, айримлар бу масала сессияга олиб чиқилмас ҳам ўз ечимини топиши мумкин, деган фикрда эди. Биз ташаббус-масалани олиб чиқиб билан бир қаторда бошқа масалалар ечимини ҳам топишни мақсад қилдик. Жумладан, ёшлар билан ўтказган ҳар бир тадбири-мизда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотларнинг нисбатан дахлдорлигини ошириш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини қучайтириш, энг муҳими, келажақ авлод вакиллари бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда касб танлашга йўналтиришни мақсад қилган эдик. Депутатлик гуруҳимизнинг ушбу мақсади туманимиздаги юзлаб, минглаб оилаларда ҳар жиҳатдан етук, юртимиз учун фойдаси тегадиган инсонларнинг етишиб чиқишига кўмак бўлади, дейиш мумкин.

ЎЗМТДП сайловолди Платформасида ҳаётга кириб келаётган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиб олишлари учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни қучайтириш вазифаси алоҳида белгилаб қўйилган. Шунингдек, партия ёшларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, таълим тизимини тартибга солуви қонун ҳужжатларининг янада тақомиллаштирилишига эришишни ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларидан деб билади. Ушбу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда халқ депутатлари Бувайда туман кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси ҳам ўзига хос ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Ш.ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус ва натижа

ЭРТАНГИ КҮН ЭҒАЛАРИ

ёшлар масаласи ЎЗМТДП депутатлик гуруҳларининг диққат марказида

— Ёшлар масаласи бугун ҳам, эртага ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмайдиган мавзу, - дейди халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Бахтиёр Тешабоев. — Боиси жамиятнинг энг фаол қатлами саналган ёшларга эртанги кунимизнинг яратувчилари сифатида қараймиз, эътибор қаратамиз. Оила, мактаб ва маҳаллада илк қўринишларини намоян этган бу эътибор бора-бора мамлакат микёсидаги эътирофларга айланади. Ҳеч шубҳасиз, бугуннинг ёшларини мана шундай бахт эгалари, деб айтиш мумкин. ЎЗМТДПнинг асосий ҳужжатларида партия ёшлар сиёсатининг долзарб муаммоларини ўрганиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этиши, ёш авлод вакиллари таълим олиш, меҳнат қилиш, маданият, спорт билан шугулланиш, уларга тиббий хизмат кўрсатилишини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш таъкидланган. Ушбу дастурий вазифалар ижобати йўлида амалга ошираётган ҳар бир саъй-ҳаракатимиз келажақ авлод тақдирини билан чамбарчас боғлиқ, - дейди суҳбатдошимиз.

Дарҳақиқат бугун халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашида 6 нафар депутатдан иборат ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш, электрорат манфаатини ҳимоя қилиш, жойларда миллий ҳунармандчи-

лик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Халқнинг ваколатли вакили сифатида қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, сайловчиларни қизиктираётган саволларга жавоб беришмоқда, уларни ўйлантираётган муаммоларини ўрганишмоқда.

— Амалга ошираётган ҳар бир ишимиз бевосита ёш авлод тақдирини билан боғлиқлигини ҳис қилган ҳолда фаолият юриятимиз, - дейди халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Адхамжон Шерматов. — Депутатлик гуруҳимиз томонидан ўрганилаётган ҳар бир масала у депутатлик сўрови орқали тегишли ташкилотга жўнатилгани ёки туман кенгаши сессиясида олиб чиқилганининг унинг ижобий самара кўрсатишини қўлаб ҳаракат қилаёғимиз. Шу боис туманимизда партияимизга хайрихоҳлар сонини тобора кўпайиб борапти.

ЎЗМТДП депутатлик гуруҳининг халқ депутатлари Бувайда туман Кенгаши сессиясига киритган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 майдаги "2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш ва битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш масаласини ҳам бугуннинг долзарб вазифалари сирасига киритиш мумкин. Ту-

ман кенгаши сессияси қарорига мувофиқ, туман ҳокими ўринбосарлари, туман тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклянди.

2012-2013 ўқув йилида тумандаги умумтаълим мактабларини 3 минг 643 нафар ўқувчи тамомланган. Уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида ўқувчилардан сентябрь ойининг ўзига сўровнома, ота-оналар билан йиғилишлар ўтказилди. Уларга тумандаги касб-хунар коллежлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Мактабларда "Касблар фестивали"нинг ташкил этилгани ўқувчилар ва ота-оналарда давр талабига жавоб берадиган касблар ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлишига хизмат қилди. Тумандаги барча умумтаълим мактабларида туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, ҳуқуқ тартибот идоралари ҳамда ўрта махсус касб-хунар муассасалари вакиллари ҳамкорлигида ота-оналар, ўқувчилар ва кенг жамоатчилик иштирокида тадбирлар ташкил этилди. Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида суҳбатлар ўтказил-

ди. "Мен танлаган касб", "Танлаган касбим — фаҳрим менинг" мавзуларида иншоолар танлови ташкил этилиб, битирувчиларнинг таълим соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислотларга нисбатан фикри ҳамда келажақдаги режалари ўрганилди, таҳлил қилинди.

— Инсоннинг ҳаётини тушунарли, аввало, оилада шаклланади, - дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Б.Тешабоев. — Шу боис туман кенгаши сессияси қарорини амалга оширишда ишчи, энг аввало, оилалардан бошладик. Умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчилар, айниқса, қиз болаларнинг касб танлашларига етарли шароитни оилалардан бошлаб яратиб бериш, уларда касбий ва ҳаётини қўқимчаларини шакллантиришда асосий тарбиячи бўлган оналарни жалб этган ҳолда турли лойиҳалар ташкил этдик. Лойиҳаларда ота-оналар фарзандлари билан биргаликда касб танлаш имкониятига эга бўлишди. Ҳар бир ўқувчига бир нафар педагог ва маҳалла фаоли бириктирилди. Саъй-ҳаракатлар натижасида битирувчиларнинг 3 минг 432 нафарини тумандаги касб-хунар коллежлари, 84 нафари академик лицейда ўқишни давом эттиришга ёлланган бўлса, 127 нафар ўқувчи қўшни туман ва шаҳарлардаги академик лицейларда тахсил олишмоқда.

— Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ушбу масалани сессия кун тартибига олиб чиқишда депутатларимиз орасида турли баҳс-мунозаралар бўлди, - давом этади суҳбатдо-



ЎЗМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилишмоқда.

Қонун лойиҳасига шарҳ

Такомиллашаётган қонун

ЎЗМТДПнинг дастурий вазифаларини амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги ислохотлар бошқичма-бошқич, тизимли равишда, изчил амалга ошириб келинмоқда. Жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган бундай ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мамлакатимизда парламентаризм ва сиёсий партиялар фаолияти ривожини янги босқичга кўтарди.

Буни, жумладан, партияимиз электролати маънавиятини химоя қилишда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларимиз фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ҳудудлардаги партия депутатлик гуруҳларимиз томонидан ўтган вақт мобайнида маҳаллий Кенгашлар сессиялари партияимиз гоёярига ҳамоҳанг ва електорат манфаатларини таъминлашга қаратилган бир қатор масалалар киритилиб, амалий тақлифлар илгари сурилаётгани диққатга сазовордир. Жумладан, "Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар", "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш", жойларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш каби масалалар депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан ақсарият вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари сессияларида олиб чиқилиб, атрафлича муҳокама қилиниб ва тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бироқ бугунги давр ва юзага келаётган шароит бундан буён ҳам кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўрнини кучайтириб бориши тақозо этмоқда. Ана шу каби омиллардан келиб чиқиб, жорий йилнинг 24 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган парламент Демократик Блоки доирасида ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган О'зЛиДеР, ЎЗМТДП ва Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияларининг қўшма йиғилишида "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг қонун билан белгилаб қўйилган ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсада мувофиқ, деб топилди.

Йиғилишда сўзга чиққан депутатлар ҳокимият бўлининининг конституциявий тамойилини амалга оширишда кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш, сиёсий партиялар фаолигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобатга асосланган курашни кучайтириш масалалари фоят муҳим ўрин эгаллашгани қайд этдилар.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларидаги

партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган, уларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш юзасидан ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳақида тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Биринчи навбатда, партия гуруҳларини ташкил этишнинг шартлари ва тартибини қонуний асослар билан янада аниқ белгилаш тақлиф этилди. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларини ташкил этиш учун зарур бўлган депутатлар сонининг энг кам чегарасини белгилаш ҳамда партиявий гуруҳларга қўшимча ваколатларни бериш муҳимлиги таъкидланди. Ҳокимият вакиллик органларига киритилаётган масалалар бўйича партия гуруҳлари тақлифларини кўриб чиқиш шартлигини қонунчилик асосида мустаҳкамлаб қўйиш долзарблиги алоҳида қайд этилди.

Жорий йилнинг 15 август кунини эса, О'зЛиДеР, ЎЗМТДП ва Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциялари аъзолари бўлган олти нафар депутатдан иборат ташаббус гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Айни вақтда ушбу қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, мутахассислар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўртта йўналишда ўзгариш ва қўшимча киритиш тақлиф қилинмоқда. Жумладан, қонун лойиҳасининг 14-моддасида "партия гуруҳи" тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмоқда. Яъни, "Партия гуруҳи сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир", - деб белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари белгиланмоқда. Яъни, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ҳамда вилоятлар марказлари ҳисобланган шаҳарлардаги партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори беш нафар этиб белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг 14-моддасида партия гуруҳининг фаолияти қайси ҳолларда тугатилиши ақс эттирилмоқда. Яъни, партия гуруҳи ўз фаолиятини партия гуруҳининг ўз ташаббусига бинаоан; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда; партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда; тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатиладиганда) тўхташи мумкин. Бундан ташқари қонун лойиҳасида амалдаги 14-моддада белгиланган партия гуруҳларининг ҳуқуқлари янги 14-моддага ўтказилиб, партия гуруҳларининг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Яъни, партия гуруҳларига

тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш, тегишли вакиллик органи кўмиталари ёки комиссиялари раислиги, раис ўринбосарлиги ва аъзолигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш, тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига қаратилган сўз берилиши, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси ва Вазирлар Кенгашига, вазирлари ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан муносабат этиш каби ҳуқуқлар берилиши қўйиш таъкидланди.

Партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида тақлифлар киритиш ҳуқуқи эга бўлмоқда. Бунда давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини эшитиш ҳақидаги қарор депутатларнинг яримдан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирдагина қабул қилинган ҳисоботи белгилаб қўйилмоқда. Қонун лойиҳасига қўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонирқарор фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ваколатига ҳам эга бўлмоқда. Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашига киритилаётган масалалар бўйича тақлифлари кўриб чиқиши шартлиги қатъий ифодаланаётгани эса қонун лойиҳасининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Ушбу қонун лойиҳаси ЎЗМТДПнинг бошқа сиёсий партиялар билан кечадиган ўзаро соғлом рақобат муҳитини ҳам янги босқичга олиб чиқиб, партияимизнинг жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантиришга нисбатан таъсирчанлигини ҳам такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, жойларда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштириш, ҳудудларда қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилишида партияимизнинг мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига юқоридаги каби қўшимча ва ўзгаришларнинг киритилиши келгусида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда сиёсий партияларнинг иштирокини такомиллаштириш ҳамда янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг
"Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинган кун

Миллатнинг муқаддас бойлиги

Тил — миллат кўзгуси, унинг ўзлигини, маънавий қиёфасини кўрсатувчи бебаҳо бойлиқдир. Она тилини муқаддас билиш ўзини, кадр-қимматини, гурурини англаш, тарихини, миллий қадриятларини ҳурмат қилиш демакдир

Ислом Каримов ташаббуси билан ҳали юртимиз осмонидан истибодод булутлари тарқалмаган бир пайтда — 1989 йил 21 октябрь кунини "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, зарур маълумот олиши билан боғлиқ ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Ватанимиз тарихидаги том маънодаги бу буюк воқеа бугунги мустақиллик авлодлари учун гўё бир эртақдек туюлиши мумкин. Лекин яқин ўтмишда оддийгина ариза ёки маълумотномани ҳам ўзбек тилида ёзишнинг имкони йўқ эди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланди, ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди.

1995 йил 21 декабрь кунини "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонуни янги таҳрирда эълон қилинди. Бу билан давлат тилига доир сиёсий, ижтимоий, маънавий тараққиёт талаблари, она тилимизни янада ривожлантириш вазифалари ўзининг ҳуқуқий асосига эга бўлди.

Бугун давлат тилининг қўлланиш доираси кенгайиб, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув

қўлланмалари, янги-янги луғатлар чоп этилаётир.

Ўзбек миллий курашининг жаҳон бўйлаб оммалашуви самарасида халқаро майдонларда «кураш», «таъзим», «ҳалол», «чала», «ёнбош» каби ўзбекча атамаларнинг баралла янграётгани қалбимизда чексиз фахр-ифтихор уйғотади.

Мамлакатимиз расмий идораларида иш асосан давлат тилида юритилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудида яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг тилларига ҳам иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлишмоқда, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Давлат тилига ҳурмат-эҳтиром нафақат меъерий ҳужжатларда, расмий идораларда, балки кўнчаларда битиклар, лавҳалар, эълонлар, жой номларида ва, айниқса, шу юртда яшаётган инсонлар онгу тафаккурида ўзининг яққол ифодасини топаётир.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши учун барча имкониятлар яратилган, ўқув му-

ассасаларида етарли шарт-шароитлар муҳайё. Бугунги ёшларнинг бир неча хорижий тилда бемалол сўзлаша олиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши табиий ҳолга айланди.

Аммо, айрим ёшларимиз буни баъзан суистеъмол қилиб, она тилимиз билан хорижий тиллардаги сўзларни қористириб гапириши ранжитади кишини. Бу нафақат қулоққа хунук эшитилади, балки ўша одамнинг дидсизлиги, маънавий дунёси қашшоқлиги, ўзбек тили ва ўзи ўрганаётган чет тилига нисбатан ҳурматсизлигини кўрсатади.

"Бизнинг миллий аънаваларимизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қористириб ёки талаффузи атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочили ўзи учун қандайдир чет тилига нисбатан ҳурматсизлигини кўрсатади.

"Бизнинг миллий аънаваларимизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қористириб ёки талаффузи атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочили ўзи учун қандайдир чет тилига нисбатан ҳурматсизлигини кўрсатади.

Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, нуфузини янада ошириш, келажақ авлодга уни бутун жозибаси ва гўзаллиги билан етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, жамки эзгу фазилатлар инсон қалбини, аввало, она алласи, она тилининг бетақорр жозибаси билан сингади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

2013 йил — Обод турмуш йили

Миллий қадриятлар — бебаҳо бойлигимиз

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз!" шиори остида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг ўқувчи-ёшлари иштирок этди.



(ЎЗА) олган сурат.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда баркамол авлодни воёга етказиш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш авлодни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини ривожлантириш масаласига устувор аҳамияти қаратилаётганини таъкидлашди. Мамлакатимизда болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан изчил тарзда ривожлантирилиб, бунда умумтаълим мактабларида замонавий спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт жиҳозлари билан таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда миллий спорт турлари ва ўйинларини тиклаш, кенг оммалаштириш, ёшларни ибратли аънава ва қадриятларимизга содиқлик руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда минглаб спорт мажмуаларининг барпо этилгани, уларнинг ақсарияти чекка ҳудудларда қад ростлагани мазкур соҳа равнақида давлатимиз томонидан кўрсатилган эътиборнинг нечоғли юксак эканидан далолатдир. Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатларда қизларни оммавий спорт ва жисмоний тарбияга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлиги ҳақида доимий гамхўрлик кўрсатиш юзасидан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Соҳа равнақи йўлидаги эътибор самарасида ўзбекистонлик ёшлар, шу жумладан, қизлар спортнинг кўпқаб турлари бўйича халқаро турнирлар ва чемпионатларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида болалар ва хотин-қизларни оммавий спортга кенг жалб этишга оид ишлар қўламини янада кенгайтириш, бир қатор вазиралик ва идоралар, жамоат ташки-

лотлари ҳамкорлигида маҳаллалар, таълим даргоҳлари, корхоналарда оммавий спорт мусобақалари, соғломлаштириш акциялари, ижтимоий лойиҳалар муваффақиятли ўтказилмоқда. Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган "Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз!" шиори остида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивалининг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, ҳаёт тарзимиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга беғона хатарли таъсирлардан ишончли тарзда ҳимоя қилишдан иборатдир.

Сўлим боғдаги хиёбон ва махсус майдончаларда талаба-ёшлар, мактаб ўқувчиларидан иборат жамоалар ўзаро арқон тортиш, тош кўтариш, кураш, «Оқтеракми, кўктерак» сингари миллий ўйинлар бўйича ўзаро мусобақалашди.

— Миллий ўйинлар фестивалида мактабимизнинг барча ўқувчилари, шу жумладан, қизлар ҳам фаол иштирок этди, - дейди Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 183-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Гавҳар Холиқова. — Истиқлол йилларида миллий спорт турлари ва ўйинлари чин маънода ўз кадр-қимматини топди. Бундай ўйинлар ёшларда фаоллик, энчилик, диққатни тезда жамлаб олишни шакллантириш билан бирга ахиллик, хайрихоҳлик, бағрикенглик каби фазилатларни қарор топтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбирда мусобақаларда фаол иштирок этган жамоаларга диплом ва совғалар топширилди.

ЎЗА

Эхтиром



(Ў.А) оқибат сурати

Эътибор ва эъзоздаги мўтабар зот

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айрим рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатларининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилмоқда.

олганмиз. Бу каби улугвор мақсадларимизни амалга оширишда, албатта, билимли, юксак салоҳиятли, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, баркамол ёшлар ҳақиқатини куч ҳисобланади.

тиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Бугун юртимизда йўлга қўйилган муқаммал ва пухта таълим тизимини бутун дунё тан олди. Бунинг тасдиғини ўтган 2012 йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ташкил этилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзусидаги халқаро конференция мисолида кўришимиз мумкин.

1992-2012 йиллар давомида халқ таълими тизимини жаъин 3,5 мингга яқин педагог давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Шу ўринда мамлакатимизда фан, таълим соҳасида амалга оширилётган ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Юртимизнинг марказий ҳамда чекка жойларида замонавий, барча қўлайлик ва шароитларга эга таълим масканлари бунёд этилиб, ўқув-лаборатория хоналари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган фан хоналари ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам янгидан янги имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълим сифатини янги босқичга кўта-

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Буюк мақсадлар сари

одимлаётган тиббиёт ходимларидан иборат янги куйи бугун иш бошлади

Мамлакатимизда мустақилликнинг ilk давридан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, миллий кадрларни асраб-авайлаш, ўзликни англаш, миллий ғояни ёшлар онгига синдириш, халқнинг маънавий аъналарини тиклашга қўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади.

бандлигини таъминлаш" каби қатор тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилган. Шунингдек, шифохонада фаолият юритаётган иқтидорли ҳамширалар ўрта-сида "Балли қизлар" кўрик-танловлари, депутатлар билан учрашувлар, "Тиббиёт ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда сиёсий партияларнинг роли" мавзусида ўқув-семинарлар ўтказилганининг гувоҳи бўлдик.

Шу ўринда мазкур жамоа ҳали бошланғич партия ташкилоти иш бошланмасданок партия мақсад ва вазифаларини илгари олганга қараб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида ҳудуддаги кам таъминланган оилалар ва имконияти чекланганларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келишгаётганини, мутахассис-шифокорлар фаолият юритаётган ушбу шифохонага тиббиёт билим юрти битирувчилари ишга қабул қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг бош таянчи дея бежиз айтилмайди, дейди "Тиббиётчилар" бошланғич партияси етакчиси, шифокор Дилноза Эшонбоева. — Янги иш бошлаган куйи бугун сифатида партия дастурий вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга муносиб ҳисса қўшишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз сифатида белгилаб олдик. Жумладан, миллий кадрият ва аъналаримизни асраб-авайлаш ва ёш авлод вакилларига етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи аъналарини ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратялмиз. Куйи бугун фаолиятини кузатар эканмиз, "Тиббиётчилар" фаолият бошлаганига кўп бўлмаган бўлсада, электротар маффаатларини ифода этиш ҳамда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган "Ёш хунармандларни қўллаб-қувватлаш", "Хотин-қизларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш", "Битирувчи ёшлар

— Истиқлол туфайли давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига, тиббиёт фанини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор туфайли янги тақдирот ва натижалар кузатилаётганга дейди Д.Эшонбоева. — Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда ҳудудда Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида фарзандларимизни аср вабосидан ҳимоя қилиш юзасидан "Биз ОИТС ва гивҳандликка қаршимиз" шиори остида шифохонамиздаги беморларнинг ота-оналари, амалиёт ўтаётган талабалар ҳамда маҳаллалардаги ёшлар билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқдамиз. Кўриб турганимиздек, олиб борган ишларимиз ҳам, аъзоларимиз сони ҳам, албатта, мактовга арзирли эмас. Аммо тумандаги оилавий хунарманд, касаначиларни қўллаб-қувватлашни, тадбиркорлик қилиш истагидаги ёшларни имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатишни, тарихий обидаларни ободонлаштиришга ўз ҳиссамизни қўшиб намунали куйи бугун бўлишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Т.АЪЗАМОВА "Milliy tiklanish" мухбири

Жараён

СИЁСИЙ ПАРТИЯ НАШРЛАРИ

демократик ислохотлар кўзгуси

лохотларнинг самарали амалга оширилишида сиёсий партияларнинг нашрлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар партия ғояларини сайловчиларга етказишнинг энг қўлай воситаси бўлиб, партиявий ҳамда партиялараро мулоқотни ташкил этувчи асосий восита ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партия ўз газетасига эга бўлиб, партиявий дастур ва вазифалар асосида нашр ишларини амалга оширадидилар. Хусусан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партияси — «Milliy tiklanish», Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Голос Узбекистана» ва «O'zbekiston ovozi» газеталарини, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — «XXI asr», Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси — «Adolat» газеталарини нашр этади.

лоийҳалари ва уларга муносабат, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, сиёсий партиянинг жойлардаги бўлинулари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига тааллуқли масалаларни ёритишга қаратадилар.

оқибатини далиллар асосида акс эттирган партия прогнози, фуқаролик фикрини ўрганиш натижаларини акс эттириб бориши лозим. Шунингдек, сиёсий партиялар нашрлари тарғиботнинг асосий воситаларидан бири эканлигини инобатга олиб, унда партияларо сиёсий курашнинг предметлари ва конструктив бўлиши, энг муҳими, юксак маданият ва соғлом рақобат асосида амалга оширилишига эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар натижасида ҳар бир сиёсий партия ўз электорати маффаатларига мос равишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги дастурларни ишлаб чиқиб, уни парламентдаги фракциялари орқали қонунчиликка синдиришга интилади. Бу унинг халқ ишончини қозониб, давлат ва жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратди. Ривожланган хорижий мамлакатлар тахрибасига назар солсак, ўз дастурий ғоялари билан халққа манзур бўлган сиёсий партиянинг илгари сурган мақсадлари давлат сиёсатини амалга оширишда устуворлик қилади. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда партиялараро баҳс вужудга келади, бу эса давлат ва жамият ривожини учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётган бир пайтда, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар фуқароларнинг партияларга бўлган муносабатини ўзгартириш, унга бўлган ишончини оширишга туртки бўлади.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланганидек, сиёсий партиялар ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиши, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадилар. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солиш, уларни эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро нормаларга тўлиқ мос келадиган, демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социализмий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида иштирок этишининг ҳуқуқий қаролатларини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, шунингдек, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. 67-моддасида эса оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ ишлаши ҳамда ахборотнинг тўғриллиги учун белгиланган тартибда жавабгарлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Ушбу конституциявий принциплар асосида бир қатор қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ис-

Шу ўринда хорижий мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши борасидаги тахрибасига эътибор қаратсак. Тахлиллар шуни кўрсатадики, айрим хорижий мамлакатларнинг марказий газеталари ғоявий жиҳатдан маълум сиёсий йўналишни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, АКШнинг "The Philadelphia Inquirer", "The Denver Post" — демократлар ғояларини илгари сурса, "Chicago Tribune" республикачиларнинг дастурий йўналишлари асосида маълумотларни ёритади. Буюк Британиянинг "The Guardian" — либерал ғояларини, "Financial Times" — монетаризм, неоллиберализм ғояларини, "The Sunday Times" ҳамда "The Daily Telegraph" газеталари консерватив қарашларни ўзида акс эттиради. Жанубий Кореянинг "Чосон ильбо" газетаси консервативларнинг, "Хангёре синмун" наشري социалларнинг ғояларига асосланганлигини кузатиш мумкин. Франциянинг "Монд" — либерал, "Франс Суар" — консерватив, "Либерасьон" — социал-либерал қарашларни ўзида акс эттирса, Япониянинг "Асахи симбун" — либерал, "Санкэй симбун" — кон-

сервативларнинг дастурий йўналишлари асосида маълумотларни ёритади. Сиёсий партиялар фаолиятининг алоҳида нашрлар орқали ёритилиши амалиёти Германия, Норвегия, Финландия, Дания каби қўллаб мамлакатларда мавжуд. Мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партия ўз газетасига эга бўлиб, партиявий дастур ва вазифалар асосида нашр ишларини амалга оширадидилар. Хусусан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партияси — «Milliy tiklanish», Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Голос Узбекистана» ва «O'zbekiston ovozi» газеталарини, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — «XXI asr», Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси — «Adolat» газеталарини нашр этади.

Шу ўринда мамлакатимизда фаолият юритувчи ҳар бир сиёсий партиянинг мустақил нашрга эга эканлигининг ижобий жиҳатлари ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Бу, энг аввало, сиёсий партия ғоялари аҳолининг барча қатламларига кенроқ кириб бориши, тарғибот ишларининг ижобий амалга оширилишига имкон яратди. Энг муҳими, мамлакатда кўппартиявийлик тизими ривожланиши жараёнида юзага келадиган партиялараро рақобатнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, жамоатчилик назоратининг таъсирчан ҳамда самарали бўлишига эришилади. Бир сўз билан айтганда, миллий партия нашрлари мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган долларб янгиликларни ёритиш билан бир қаторда, асосий эътиборни партиянинг дастурий йўналишлари асосида амалга оширилиб келинаётган фаолият, шу жумладан, сиёсий партиянинг парламентдаги фракцияси томонидан муҳокама этилаётган қонун

Бу билан сиёсий партияларнинг нашрлардаги чиқишлари орқали жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, партиялараро сиёсий рақобатнинг фаол ва самарали кечишига эришилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида "... электротар билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партиялараро қизгин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур"лиги алоҳида таъкидланган.

Бир сўз билан айтганда, партиявий матбуотни янада такомиллаштириш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва саводхонлигини юксалтириш, жамиятда турли сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрларнинг ривожланишига хизмат қилади. Зеро, сиёсий партиялар нашрлари — демократик ислохотлар кўзгусидир.

Мухтабар ХУСАНОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтининг бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Бугуннинг гапи

КЛИПЛАРИМИЗ

миллий манфаатларимизга мос бўлсин

Муסיқали видеоклип — ҳақими қисқа 4-5 дақиқали аудиовизуал асар бўлиб, томошабинга уч томонлама: тасвир, муסיқа ва кўшиқ матни орқали тасвир кўрсатади. Ана шу ушбу уйғунлиги клипни томоша қилишга ундайди. Шу сабаб муסיқали клипдаги ахборот инсон онгига нисбатан тез сингари. Ҳў, бу қандай ахборот?

ди. Баъзи мутахассислар телевидение гипноген хусусиятга эга экани ҳақида хавотирли фикрларни билдиришмоқда. Масалан, америкалик тадқиқотчи Марин Винн зангори экран таъсирини наркотик ва алкоғолга тенглаштиради. Маълумотларга кўра, ўсмирлар ҳафтасига ўртача 25 соат телевизор кўришади. Ва яна бу рақам бундан-да ортиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Қолаверса, бугун ушбу "телемания"ларнинг аксариятини болалар ва ўсмирлар ташкил қилмоқда. Улар, асосан, видеоклиплари, мулътфильм ва турли кўрқинчли киноларни кўришлари исботланган. Юқорида видеоклипларни аудиовизуал асар дедик, соф санъат нуктаи назаридан ҳам шундай. Аммо кўнгилоҳар маҳсулотлар бозоридида муסיқали клипларга талаб катта. Шу жиҳатдан бугун баъзи бир хонандалар, ҳақиқий санъат асари яратишдан кўра, медиа бозорда рейтингни тушиб қолишдан кўрқиб, кунора бўлар-бўлмас мавзуда ўзига ярашмаган, миллийлигимизга мос бўлмаган кўринишларда ва ҳатто тўғридан-тўғри хориж хонандаларининг муסיқа ва кўшиқларини "ўғирлаб" томошабинга тақдим этишмоқда. Бундай санъаткорлар миллий эстрадаимизга хос бўлган санъат асари яратиш ўрнига "оммавий маданият"ни тарғиб қилаётганини наҳотки, сезмаётган бўлишми?

Муқаддас АҲМЕДЖОНОВА, санъатшунос: — Клип "оммавий маданият" таркибидида вужудга келган янги ҳодиса бўлиб, ёшларнинг кенг қатламини қамраб олган. Уларнинг эстетик тафрактури, маънавияти шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

— Ҳозирги медиамаконда давлатлар ва миллатлар ўртасидида чегараю тафовутлар йўқолиб борар экан, шунингдек, замонавий клиплар "оммавий маданият" сифатида тан олинаётган бир пайтда бугун телеэкранларимизда сон-саноксиз хорижий ёки ўзимизники-ю, аммо хорижийдан нусха кўчирилган муסיқали видеомаҳсулотларнинг намоийиш этилиши юртимизга "оммавий маданият" унсурлари тўғридан-тўғри "экспорт қилинаётгани"дан далолат беради, - дейди мутахассис.

Энди ўйлаб кўринг, минг-минглаб ўзбек йигит-қизлари "замонавий" кийини, соч турмақларини маза-матрасиз рақс элементларини қаердан ўрганаётган экан? Биз доим танқид қилиб келаётган миллийлигимизга тўғри келмайди, рақс элементларини ҳалққа намойиш этишмоқда. Масалан, европача тўй маросимлари ёхуд йигит-қиз ўртасидидаги одоб-ахлоқимизга мутлақо тўғри келмайдиган ишқий муносабатлар акс этган саҳналар айрим замонавий клипларда тўлиб-тошиб ётибди. Бундай манзарани кўриб ёшлар орасидида миллий қадриятларимизни зўр бериб тарғиб қилишимиз бир ёқда-ю, битта хонанданинг шэр-ҳаёис клипи минглаб ёшларнинг эътиборини тортгани, ҳатто кумирга айлангани бир ёқда.

Албатта, бундан ёшларимиз миллий муסיқамизни буткул тан олмас эканда, деган хулосага келмаслик керак. Тадқиқот натижасига кўра респондентларнинг 29 фоизи замонавий миллий муסיқани ёқтиришини, 23 фоизи замонавий ўзбек миллий муסיқаси асосидида олинаётган клиплар жуда қизиқарли ва томошабоп эканини айтишган. Сўровномада, асосан, 14-20 ёш оралиғидида, яъни муסיқий диди ҳали тўлиқ шаклланмаган йигит-қизлар иштирок этганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

— Ёшларнинг клипларга бўлган қизиқиши муסיқага бўлган қизиқишини билдиради, - дейди психолог Гулчехра Қосимова. — Муסיқий дид инсонда ўрта ҳисобда 4-5 йилда ўзгариб туради. Ёшининг ўтгани сайин сизга кўпроқ мумтоз муסיқа, фольклор куй-кўшиқлари ёқа бошлайди. Ўсмир ёшларининг асосан поп, рок ва жўшқин эстрада муסיқасини эшитиши уларнинг ёши, физианомиyasi ва қизиқишлари билан изоҳланади.

Мутахассисларнинг фикри ва тадқиқотларидан келиб чиқиб айтиш жоизки, ёшларнинг маънавиятига путур етказмайди, ҳақиқий асарлар яратиш бугунги куннинг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт қараш ва хуружлар ортида ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар борлигини унутмаслигимиз, мудом огоҳ бўлишимиз ва унга қарши воситалар билан кураша олишимиз даркор. Бу мураккаб жараёнда, айниқса, эстрада хонандалари-ю, шоу бизнес вакиллари, санъат ва маданият доимлари — зиёллиримиз бебарво бўлмасликлари зарур.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири



"InfoCom-2013"

Ахборот-коммуникация технологиялари

хафталиги ва унинг доирасидида ўтказилган кўргазма янгиликларга бой бўлди

"InfoCom-2013" анъанавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хафталиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «СІВ GROUP» компанияси томонидан ташкил этилди.

2004 йилдан буён сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигидида ўтказиб келинаётган мазкур хафталик бу гал ҳам ахборот технологиялари фойдаланувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот анжумани хафталиқнинг илк кунидида пойтахтимизнинг Алоқа тарихи музейида бўлиб ўтди. Унда Ташкил қўмитида оммавий ахборот воситалари хафталик мобайнида амалга оширилиши назарда тутилган тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Жумладан, журналистларга маълумот ўрнида "Ахборот-технологиялари - ёшларга!" акцияси доирасидида Жиззах ахборот технологиялари касб-хунар коллежида компьютер синфини топшириш бўйича тантанали маросимнинг видеолавҳаси намойиш этилди.

"Ахборот технологиялари — ёшларга!", Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Саммит, Миллий интернет танлови голибларини тақдирлаш маросими, «ICT-ехро-2013» Ахборот технологиялари анъанавий кўргазмаси, "АКТ ривожланишини кунунги тартибга солиш" мавзусидидаги халқаро семинар ва яна бир нечта тадбирларни қамраб олган хафталик 28 сентябрь санасидида ёш дастурчилар ўртасидида ташкил этилган "Best Soft Challenge" танлови ҳамда WCG-2013 компьютер уйинлари бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи голибларини тақдирлаш маросими билан ўз якунига етди. — Ёшлар ўртасидида ўтказилган фойдали интернет ресурсларни яратиш, ёш веб-дизайнерларни кўллаб-қувватлашга қаратилган Миллий интернет танловиди. 200 га яқин иштирокчилар ўзлари яратган сайтлар билан қатнашганлиги қувонарлидир, - дейди Республика "Камолот" ЕИХ Маркази Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадзонова. — Уларнинг 70 фоизини ёшлар, айнан, олий ўқув юрти талабалари, лицей ва коллеж ўқувчилари ташкил этади. Бу бугунги ёшларимизни техника бора-борда иқтидорли қилганлиги, қўйилган мақсадга иқтидорли билан чинакамга фахрланасак арзийди, деганидир. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадидида ташкил этилган ушбу танловда 9 таноминицага яна 5 та қўшимча йўналишининг қиритилганлиги ёш иқтидорларни кўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қадам бўлди. Шу йилнинг 13 август санасидан

бошланган Миллий интернет фестивали хафталиқнинг илк куниди Ёшлар ижод саройидида якунига етди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жағмараси", "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази томонидан ташкил этилган фестивалнинг бош мақсади интернет тармоғининг "UZ" миллий худудида яратилаётган энг яхши веб-ресурсларни кенг аҳоли қатлами орасидида тарғиб қилиш, кўллаб-қувватлаш, интернет тармоғини миллий руҳиди мазмун-моҳият билан бойитиш, ўзбек тилидаги веб-сайтлар сонини оширишдан иборат. Бу йил "Тармоқ хизматлари" йўналишига янги — "Электрон тижорат" номинацияси қўшилган бўлиб, унда интернет тармоғидида самарали тижорат фаолиятини олиб боришга эришган веб-сайтлар иштирок этиди. Фестиваль иштирокчилари рўйхатида 451 та веб-сайтнинг мавжудлиги, танловга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўрсатади. Танлов натижаларига кўра, "Энг яхши давлат бошқаруви ва ҳукумат портали" номинацияси бўйича "minzdrav.uz", "Энг яхши корпоратив жамоа сайти" йўналишида "protekaabank.uz", "Энг яхши ОАВ сайти" номинацияси бўйича "mezon.uz" веб-сайтлари юқори ўринларни эгаллаган бўлса, бошқа шу каби йўналишлардаги номинация голибларига ҳам муқофотлар топширилди.

Хафталик доирасидида 25-27 сентябрь кунлари Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бир вақтининг ўзиди бўлиб ўтган анъанавий «ICT-ехро-2013» миллий ахборот технологиялари кўргазмаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидида Узаро ҳамкорлик ўрнатиш ва мустақам тижорат алоқаларини боғлашда янгилик имкониятлар эшигини очди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасидида кўрсатилган хизматлар, замонавий технология ва ишланмалар намойиш этилди.

Хафталиқнинг сўнги куниди ёш дастурчилар ўртасидида ўтказилган "Best Soft Challenge" — энг яхши дастурий таъминотчиларни аниқлаш ва оммалаштиришга қаратилган танлов ва "Uzbekistan Cyber Games-2013" компьютер уйинлари бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ёшлар ижод саройидида ўтказилган маросим чоғиди танлов голиблари моддий рағбатлантирилди. Бу, юртимизда иқтидорли ёшларга қаратилаётган эътибор юксак даражада эканлигини яна бир қарра исботлади.

Мазкур хафталик ва унинг доирасидида ўтказилган миллий танловлар юртимиз ёшларининг қучига қуч қўшиб, келажакдаги муваффақиятларига муҳим пойдевор яратади. Қолаверса, юртимизнинг халқаро ҳамкорлик борасидидаги ривожланишига янги имкониятлар эшигини очувчи ахборот технологиялари соҳаси бу каби рағбатлантиришлардан сўнг янгидан янги марраларни забт этиши шубҳасиздир.

Муҳаяё НУРМЕТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Нашр

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"

журналининг янги сони босмадан чиқди

Журналининг дастлабки саҳифасидида таҳрирнинг номидан берилган "Қадр-қимматим, тақдирим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" номли бош мақолада ушбу шордаги қадр-қиммат, таянч, ифтихор ва мустақиллик каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, УЭМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш парламент фаолиятида устувор йўналиши сифатида", деб номланган мақолада Қонунчилик палатасидида қонун ижодкорлиги жараёни, қабул қилинган қонунларни жамият тараққиётидаги ўрни, қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш устида олиб борилаётган тажрибалар, парламент эшитиши ва назорат-таҳлил фаолияти, парламентларо алоқалар, парламент комиссияларининг фаолияти ҳамда сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталарнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги масалалари батафсил таҳлил қилинган.



Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, УЭМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Фулом Мирзаевнинг "Истиқлол - абдий, истиқлол шукҳи - бебаҳо" мақола-сидида истиқлол берган ҳуқуқ ва имкониятларга эътибор қаратилади. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси Шоҳруҳ Шодмонов журналдаги чиқишида миллий давлатчилиги-

Маданий мерос

"Археология устахонаси — 2013"

ана шу номдаги маҳорат дарслари бу йил учинчи марта ўтказилди

Мамлакатимизда маданий меросимизни сақлаш, уни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш, соҳа мутахассисларини тайёрлашга катта эътибор қаратилаётган. Аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшларни дунё ва миллий маданий меросимизни ўрганиш ва сақлашга ўргатиш, археология соҳасидидаги топилмаларни қайта тиклаш ва уларни консервациялаш, тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш бўйича юртимиз музейларида маҳорат дарсларини ташкил этиш анъана мусини олади.

Пойтахтимиздаги Иқоу Жирамга халқаро маданият қарвонсаройи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейидида "Археология устахонаси-2013" маҳорат ошириш дарсларини ҳар доимгидек япон ва ўзбек олимлари олиб боришди. Анъанага кўра, ушбу тадбир бу йил учинчи марта ўтказилди. Унинг қатнашчилари асосан музейлар, илмий-тектириш институти ходимлари, талабалар, шунингдек, изланувчи ёш олимлардир. Тадбирдан, маҳорат дарсларини ташкил қилишдан мақсад — ёш археолог-мутахассисларни тайёрлашга ҳисса қўлиш, реставраторлар, музей ходимларини илгор тажрибалар асосидидалақасини ошириш, замонавий асбоб-ускуна ва янги техникалар, кунчиқар мамлакатнинг бой тажрибалари билан таништиришдир.

Амалий дарсларда археологик топилмалар ва ёдгорлик махмулариди асосидида сигналган тажрибаларни кўллаш, ўтда тоблаб пишириш, ранг ва лой тайёрлаш техникаси, консервациялаш ва қайта тиклаш, кулолчилик буюмларини нафақат чизиш, балки амалиётда яшаш сир-асрорлари ҳам ўргатилади. Ўзбекистон тарихи музейидида Кибер университети профессори С.Аюки маъруза қилди. Тадбир якунида "Ўзбекистонда маданий меросини сақлаш, кадрлар тайёрлаш ва технология тажрибалар алмашинуви" мавзусидида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова, тарих фанлари номзоди Б.Тургунов, Кибер университети (Япония) профессори Х.Фурушо ва бошқалар "Ўзбекистонда маданий ёдгорликларни сақлаш масалалари", "Археология: кеча ва бугун", "Ўзбекистонда ўтказилаётган семинар ва маҳорат ошириш дарсларининг аҳамияти" ва бошқа чиқишлар, шунингдек, консервациялаш бўйича ўтказилган семинар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Конференцияда Япониянинг Ўзбекистон Республикасидидаги Факултетида ва мухтор элчиси Ф.Като сўзга чиқди. Тадбир якунида "Археология устахонаси-2013"нинг фаол қатнашчиларига сертификатлар топширилди. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ўз мухбири

Бизнинг шарҳ

“ЭНГ ЯХШИ ЖИҲАТЛАРНИ САҚЛАБ, РИВОЖЛАНИШДАН ТЎХТАМАСЛИК”

шиори қарийб 130 йиллик тарихга эга бўлган Норвегия консерваторлар партиясининг дастуриламал фаолиятига айланган

Шу йилнинг 10 сентябрь куни бўлиб ўтган Норвегия парламенти сайловларида Консерваторлар партияси галаба қозонди. Сайловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур сиёсий тадбир халқаро сиёсат майдонига яна бир аёл раҳбарни олиб чиқмоқда. 14 октябрдан бошлаб мамлакат бош вазири лавозимини консерваторлар етакчиси Эрна Сольберг эгаллади. Э. Сольберг хоним Норвегия тарихидаги иккинчи аёл бош вазир ва Консерваторлар партиясидан биринчи кабинет раҳбари бўлди.



Сайлов натижаларига кўра, Консерваторлар партияси 27 фоиз кўрсаткич билан парламентда 48 та мандатга эга бўлди. “Бугун биз тарихни ёздик, - дея баёнот берди Э. Сольберг. — Сайлов натижалари партия учун сўнгги 28 йилдаги энг яхши кўрсаткич бўлди”. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу сайловлардан сўнг мамлакат сиёсий ҳаётида кўпга соҳаларда ўзгаришлар кузатилиши, иқтисодиёт ва бошқа тармоқларда ислохотлар ўтказилиши кутилмоқда. Узоқ йиллик тарихга эга, сиёсат майдонига айналган партия ҳозирдан жиддий режаларни амалга оширишга киришган.

Норвегияда Консерваторлар партиясининг таъсири, ҳаракати, фаоллиги анча сезиларли. Зеро, 1884 йилда ташкил этилган партия ўтган давр мобайнида катта сиёсат майдонига катта таърибалар тўплаб, кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. Бошқача айтганда, бугунги Норвегияни Консерваторлар партиясиз тасаввур қилиш қийин. 2004 йилдан буён партияни Эрна Сольберг хоним бошқариб келмоқда. Партия ўзининг ёшлар қаноти — Норвегия ёш консерваторларига эга бўлиб, унга 1922 йилда асос солинган. Консерватив партия, шунингдек, “Хейре” деб ҳам аталади. 70 йилдан ортиқ давр мобайнида партия мамлакатнинг энг йirik носоциал партияси бўлиб келган. Фақат 1990 йиллар охиридагина Тараққиёт партияси уни бироз ортда қолдирди.

Утган асрдаги жаҳон урушлари даврида партия мақсади тобора ўсиб бораётган ишчилар ҳаракати ва қадамба-қадам оммалашиб бораётган Ишчилар партиясига қарши ўнг марказий альянс тузишдан иборат бўлган. 1950-2009 йилларда партия олти та ҳукуматда иштирок этган. 1960-йилларда консерваторлар миллий ҳукумат таркибига эди. 1980-йилларда консерватив партия бир партиавий ҳукумат тузишга муваффақ бўлди. Шу йилларда у партиявий ҳукумат таркибига ҳам иштирок этган. 2000-йилларда консерваторлар Хьёл Бунневикнинг Иккинчи кабинети ишида қатнашган. 2005 йилги сайловлар консерваторлар тарихидаги энг муваффақиятсиз сайлов бўлди. Аммо ўз вақтида кўрилган чоратадбирлар натижасида 2009 йили партия кўрсаткичларини анча яхшилаб олди, сўровлар ҳам партия оёбўси мустаҳкамланаётганини кўрсатди. 2013 йилда “Хейре” қарийб 27 фоиз овоз тўплаб, Стуртингдаги ўринлар сони буйича яна иккинчи ўринга чиқиб олди. Норвегия консерватив партияси солиқлар ва давлат харажатларини қисқартириш ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш учун курашади. Хейре, шунингдек, Норвегиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишни тўла кўлаб-қувватлайди. Анъанавий тарзда консерваторлар кўхна қитъанинг бошқа консерватив партиялари каби жамоат тартибини сақлаб борасида катъий сиёсат олиб бориш тарафдоридир.

Консерватив партия ғоялари жаҳондаги бирор моделга эмас, маълум бир анъана ва тамойилларга асосланади. Энг яхши нарсаларни сақлаб қолиш, лекин бу жараёнда асло ривожланишдан тўхтамаслик фикрини илгари суради. Партия сиёсати уч асосий қадриятга таянади: эркинлик, масъулият ва хилма-хилликдан иборат. Зеро, одамлар турлича, улар хилма-хил фикрлар ва истакларга эга, ҳар бир одам индивидуал табиат соҳиби ва барча яшаш ва эркинлик ҳуқуқига эга. Шундай экан, шахс эркинлиги

жуд бўлимларнинг ўзидан яна бир неча бўлимларни ташкил қилишга муваффақ бўлди.

Дастлаб, музей экспозицияларида даниялик ва фланманд расомларининг 170 дан зиёд тасвирий санъат асарлари намойиш этила бошланган. Ушбу ноёб коллекцияни музейга де Сеснола исми санъат шайдоси тўхфа этган бўлиб, уларнинг аксариятида Кипр маданияти ва тарихи ўз аксини топган. Шундан буён Метрополитен музейи қадимий санъат намуналарини ўзида сақлаб келаётган хазинадон ҳамдир. Европа музейларидан фарқли ўларок, бу ердаги барча экспонатлар санъат шайдолари, хайрихоҳ инсонларнинг хайру саховати эвазига тўплаган. 1917 йили музей 5500 буюмдан иборат катта коллекцияни қўлга киритди. Улар орасида машҳур расомлар Курбе, Гойи, Ренуар, Делакруа, Сезан ва Домьенинг бир неча асарларини учратиш мумкин.

Метрополитен музейи тасвирий санъат асарларидан ташқари керамика ва бронзадан ишланган ноёб экспонатларга ҳам бой. Улар музей филиали бўлмиш Леман кошонасидан жой олган. Кошона тўрт қаватли бўлиб, каттагина павильонга эга. 1974 йили ишга туширилган павильон кенг ва ёруғлиги билан ажралиб туради. Музейнинг яна бир бўлими 1980 йили иш бошлади. Ушбу бўлим уч қаватли томи ойнаванд бинода жойлашган бўлиб, Америка архитектураси тарихи ҳақида сўйлайди. Ойнаванд том остиде аша эшил боғ бунёд этилган. Бундан ташқари, музей сайёр кўргазмаларни ҳам тез-тез ўтказиб туради. “Рицарлар асри”, “Мексика ва Перунинг қадимий санъати” каби кўргазмалар билан музей бутун мамлакатни айланиб чиққан. Экскурсиялар дунёнинг исталган тилида, ҳатто, имо-ишоралар воситасида ҳам олиб борилади. Музей экспонатлари ҳақида узундан узоқ гапиришимиз мумкин. Бирок, бу ишдан бир наф чиқмайди-да. Бунинг учун музей экспозицияларини 1-2 ой айланиш лозим бўлади. Қизғин, Метрополитен музейига ташриф буюрувчиларда бундай имконият мавжуд. Экспозициялар оралиғида махсус дам олиш хоналари бор. Музей меҳмонлари ана шу хоналарда чарчоғини чиқариши, сўнг яна экспонатларни томоша қилиши мумкин.

Зафар МУҲАММАД

Рангин дунё

Метрополитен музейи



Нью-Йорк шахрининг кўрки бўлмиш Метрополитен музейи ҳақида гап кетганда, америкаликлар унга “миллий хазина” ёхуд “миллат ифтихори” дея таъриф ушбу тасвирий санъат музейи шахардаги бошқа музейлардан ўзининг майдони, маҳобати, улкан ва ноёб коллекцияси билан устулик қилади.

Музейга 1870 йилнинг 13 апрелида асос солинган. Ушанда Бирлашган лига клуби аъзолари шахар маъмуриятига Метрополитен, яъни марказий музейни очиб тақдир қилишди. Аввалбошданок, янги музей экспозицияларида тасвирий санъат ёки хайкалтарошлик намуналаридан ташқари расм, гравюра, фотосурат, архитектура моделлари, тарихий шахслар портрети, шунингдек, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик намуналари жой олиши кўзда тутилган. Шундай ҳам бўлди. Мам-

лакатнинг манаман деган молиячи, санъатчи, банкир ва коллекционерлари бир ёқадан бош чиқариб, музей хазинасини бойитиш ҳаракатида тушдилар. Орадан тўрт йил ўтар-ўтмас шахар маъмурияти музей очишлишига рухсат берди. Бирок, музейнинг очишлиш маросими ва илк кўргазмасини ўтказиш учун яна икки йил керак бўлди. Сабаби музей ўз биносига эга эмасди. Экспозициялар асосан балет мактаби, Бешинчи авеню ва 53-кўчадаги собиқ отхоналарда намойиш этилган. Бир йилдан сўнг музей 14-Ист кўчада жойлашган Дуглас кошонасига кўчиб ўтди. Музей бой ерда узоқ вақтгача қолди. Ва ниҳоят, 1880 йили шахар маъмурияти музейнинг янги биноси учун Манхэттен марказидан ер ажратди. У қадар ҳашаматли бўлмаган биро қизил гиштдан, архитектор Кальверт Вокс лойиҳасига кўра барпо этилди. Кейинчалик бинонинг жануби-ғарбий қаноти ва боғ қисми қайтадан қурилади. Музей янги бинодаги фаолиятини 1902 йили бошлади. Айтиш жоизки, мазкур музей биринчилардан бўлиб “музей ичидаги музей” принципини шакллантирди. Яъни, музейда мав-

муҳофазасини таъминлаш ва давлатнинг шахсга таъсир даламат сайловларида галаба қозонган, ўз дастурий мақсад ва вазифаларини оғишмай бажаради, энг муҳими, бу йилда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш асосий мақсадлардан саналади. Шу жиҳатдан олганда, Консерваторлар партияси мамлакатга иммиграцияни қисқартириш тарафдорлари бўлган Тараққиёт партияси билан бирлашса, иккала партия эгаллаган мандатлар сони 77 тага етади. Эслатиб ўтамиз, Тараққиёт партияси 2011 йил июль ойда Ослода ҳамда Утёйя оролида содир этилган терактдан сўнг ўз сайлов олди дастурини қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Негаки, жожеа айбдори Андерс Брэйвик бир муддат аввал шу партия аъзоси ҳисобланган.

Агар Сольберг хонимни парламентда консерватив блокда-

Анъанавий қадриятларга асосланган партия жорий парламент сайловларида галаба қозонган, ўз дастурий мақсад ва вазифаларини оғишмай бажаради, энг муҳими, бу йилда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш асосий мақсадлардан саналади. Шу жиҳатдан олганда, Консерваторлар партияси мамлакатга иммиграцияни қисқартириш тарафдорлари бўлган Тараққиёт партияси билан бирлашса, иккала партия эгаллаган мандатлар сони 77 тага етади. Эслатиб ўтамиз, Тараққиёт партияси 2011 йил июль ойда Ослода ҳамда Утёйя оролида содир этилган терактдан сўнг ўз сайлов олди дастурини қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Негаки, жожеа айбдори Андерс Брэйвик бир муддат аввал шу партия аъзоси ҳисобланган.

Агар Сольберг хонимни парламентда консерватив блокда-

ги яна икки партия — Христиан халқ партияси (5.6 фоиз овоз тўплаган) ва Либерал партия (5.2 фоиз овоз билан) кўллаб-қувватласа, у ҳолда коалиция умумий ҳисобда 96 та мандатга эга бўлади. Норвегиянинг NRK телерадиокомпанияси шарҳловчиларнинг фикрича, мазкур тўртта партиянинг барчаси ҳукумат тузишга тайёр эканини бир неча марта маълум қилган. Аммо ҳозирча янги ҳукуматнинг шакли-шамойили мутахассислар учун қоронғу. Қолаверса, партияларо ҳамкорлик қай тарзда йўлга қўйилишини ҳам олдиндан башорат қилиш мушкул. Шунга қарамай, бир неча йиллик курашлардан сўнг ҳокимият тепасига келган тажрибали консерваторлар бу борада мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган энг муносиб йўлни танлаши шубҳасиз.

Беҳбуд БОТИРОВ,
“Milliy tiklanish”
шарҳловчиси

- 2008 йилда партиянинг 25 мингдан ортиқ аъзоси бўлган бўлса, бугунги кунда улар сони бир неча баробарга ошган.
- Партия иши Марказий кенгаш томонидан тартибга солинади. Кенгаш бюджет, ташкилий ишлар, режалар, партия дастури билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун йилга етти марта қақрилади.
- Норвегия Қироллиги шимолий Европадаги давлат майдони 387 минг км². Аҳолиси 5 миллиондан ортиқ. Пойтахти Осло бўлган ушбу давлат маъмурий жиҳатдан 19 вилоятга бўлинади.
- Мамлакатда давлат тузуми конституцион монархия. 1814 йил 17 майда қабул қилинган Норвегия Қироллиги конституцияси амал қилади, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиги Қирол (1991 йил 21 январдан Харальд V). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали (юқори палатаси лагтинг, қуйи палатаси одельстинг) парламент — стортинг амалга оширади. Ижрочи ҳокимият қирол қўлида бўлиб, у давлат кенгаши (ҳокимият)ни тайинлайди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АМУДАРЁ ТУМАНИ “ЭЛМИРА ЮСУПОВА” ДЕҲҚОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Қадрли ўқитувчи ва мураббийларни, шу жумладан, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини профессор-ўқитувчиларини

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ
билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.



Эълон «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 7 ноябрь куни бошлангич нархи босқичма-босқич бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказилади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Хамаза тумани, Истикбол кўчаси, 45-уйда жойлашган «TOSHKENTVINO KOMBINATI» ЧЗШИ ОАЖ тасарруфидеги 1988й. и/ч, д/р 01/043МВА, бошлангич нархи 4 483 724 сўм бўлган «КАВЗ-3270», 1990й. и/ч, д/р 01/047МВА, бошлангич нархи 9 644 505 сўм бўлган «ЗИЛ-4331», 1993й. и/ч, д/р 01/238КАА, бошлангич нархи 8 545 315 сўм бўлган «ЗИЛ-431410», 1991й. и/ч, д/р 01/287ZBA, бошлангич нархи 10 584 135 сўм бўлган «ЗИЛ-138», 1992й. и/ч, д/р 01/282ZBA, бошлангич нархи 6 223 663 сўм бўлган «Лабо» русумли; Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 417-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бир-лашмасининг Марказлашган автокорхонаси балансидаги 1996й. и/ч, д/р 01/391НСА, бошлангич нархи 4 750 000 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаларини кўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи микдоридеги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига туланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тулган закалат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белги-ланган савдо куниде сотилмаган тақдирда, улар буйича такрорий аукцион савдолар, улар сотилгунга қадар навабдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнлариде мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шахмат

Шахмат маликалари беллашувлари

Хотин-қизлар ўртасидаги олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини берадиган мусобақадир



Алишер МҮМИНОВ,
Ўзбекистон тумани:

— Ўрта Осиё худудидан шахмат доналарининг топилиши бу спорт тури юртимизда қадимдан ривожланганидан далолат беради. Иккинчи мартаба ўтказилаётган Гран-при мусобақалари шахмат ишқибозлари учун ҳам катта байрам бўлди. Жаҳонда таниқилган шахмат усталарининг ўйинларини томоша қилдик. Кўплаб янги юриш турларини ўргандик. Айниқса, ёш шахматчилар учун халқаро гроссмейстерлардан олган маҳорат дарслари катта тажриба мактабини ўтади, десак хато бўлмайди.

Шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасидаги ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқичида юртимиз шарафини Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ўзбек қизлари орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритган истеъдодли ёш шахматчиш Нафиса Мўминова ҳимоя қилди.

Шунингдек, жаҳон шахмат олимпиадаси, Жаҳон ва Европа чемпионати совриндори грузиялик Бела Хотенашвили, кизлар ўртасида кўп карра жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Хампи Конеру, шунингдек жаҳон ва Европа чемпиони ва халқаро турнир совриндорларидан хитойлик Цзю Веньцзюнь ва Чжао Сюз, украиналик Катерина Ланго, болгариялик Антоанета Стефанова, ҳиндистонлик Харика Дроновалли, арманистонлик Элина Даниэля, россиялик Александра Костенюк ҳамда Ольга Гиря, қозғонистонлик Гулисон Накбоева ғолиблик учун дона сурдилар.

Гран-при доирасида Ўзбекистоннинг энг кучли шахматчилари ва мусобақа иштирокчилари бўлган халқаро даражадаги гроссмейстерлар иштирокида маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

Шундай қилиб, мукофот жамғармаси 60 минг еврони ташкил этган хотин-қизлар ўртасидаги

даги Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг Тошкентда ўтказилган учинчи босқич баҳслари якунланди. Барча учрашувлари кўтаринки руҳда ўтказиб, якунда 8 очко жамғарган қизлар ўртасида кўп карра жаҳон чемпиони, дунё шахмат рейтингда учинчи ўринни эгаллаб турган ҳиндистонлик Хампи Конеру Тошкент Гран-приси учинчи босқич ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни 7 очко жамғарган грузиялик Бела Хотенашвили эгаллади. Шунингдек, учинчи ўрин Европа чемпионати ғолибаси украиналик Катерина Лангога насиб этди.

Хампи КОНЕРУ,
Тошкент Гран-приси
ғолибаси:



— Жуда ҳаяжонданман. Мусобақа бошланишида ғолиб бўлман, деб ўйламагандим. Чунки, Тошкент Гран-присида жаҳоннинг кучли шахматчилари йиғилган эди. Барча учрашувлари яхши қайфиятда ўтказишга ҳаракат қилдим.

Кўплаб халқаро учрашувларда қатнашганман. Аммо, Тошкентда ўтказилган бу галги беллашув ҳаётимда ўчмас эг қолдириши шубҳасиз. Барча тақдирларга, меҳмондўст Ўзбекистон халқига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Гўзал шахрингизни, чиройли кўчаларини ҳеч қачон унутмайман.

Барча қатнашчиларга мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

Эркин ЙҮЛДОШ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Тугмачагул

ДАРДНИ ДАФ ЭТАР БУТКУЛ

Тугмачагул бир, икки ва кўп йиллик, бўйи 100 см.гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси қилиндрсимон, шохланган. Барги думалок, 5-7 бўлакка бўлиган, йирик аорасимон қиррали бўлиб, банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари пушти-бинафша рангли бўлиб, май-сентябрь ойларида гуллади. Меваси июнь-октябрда етилди. Тугмачагул С витамини, каротин, мой, шиллик ва бўёвчи моддаларга бой.

У боғларда суғориладиган ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Тиб илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино Тугмачагул борасида шундай деган: «Тугмачагул учук, ёввойисининг барги эса зайтун билан бирга қўшилса, оловда куйган кишига фойда қилади; оғиз оғриғида эса чайналади. Унинг барги ва гулларининг ҳаммаси кўкракни юмшатуви, сутни кўпайтирувчидир. Кўкракдаги гижиллаш кетказишда унинг энг яхши қисми уруғидир. Гуллари зайтун мойи билан қўшиб ичиш буйрак ва қовуқ яраларига фойдали. Барги, айниқса, зайтун мойи билан бирга қўшиб боғланса, қовғарининг чаққанини тинчлантиради. Қоракурт чаққанига ҳам фойда қилади. Жигардаги тикилмаларни очади». Халқ табиоботида ўсимликнинг барги ва гули алоҳида қадрга эга. Улар асосида тайёрланган дахлама меъда-ичак яллиғлиниши, шамоллаш, бавосил хасталикларини даволашда асқотади. Янги узиб олинган барглари яраларнинг тез битишини таъминлайди. Мевасининг дахламаси йўталда қарши восита сифатида тавсия этилади. Унинг қайнатмаси ошқозон ости беши шамоллашида ва буйрак санчикларини даволашда яхши наф келтиради. Тугмачагул қайнатмаси ва дахламасини томоқ шамоллаганда ҳам қўллаш мумкин.



БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг тоза сув Антарктиданинг Уэддела денгизида оқади.

* * *

Нидерландия пойтахти Амстердам Амстел дарёси бўйида жойлашган. Дарё тошиб, атрофни сув босаверган, тўғон қурилади. Тўғон нидерланд тилида "Dum" дейилади. Шунга кўра, Амстердам "Амстел дарёсидаги тўғон" деган маънони англатади.

ТУРФА ОЛАМ

Майя маданияти фестивали

МЕРИДА ШАХРИДА (ЮТАКАН ШТ., МЕКСИКА) МАЙЯ МАДАНИЯТИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЕТМОҚДА.

Шу муносабат билан ўтган йили фаолият юртя бошланган Майялар дунёси катта музейида қизиқарли экспозициялар намойиш этилиши режалаштирилган. Фестиваль доирасида илмий конференция, театрлашган томоша, экскурсия ва карнал кечалари уюштирилиши кўтилмоқда. Болалар учун ишлаб чиқилган махсус дастур эса майя хиндуларининг ҳаёти, турмуш тарзи ва маданиятидан воқиф этади. Мазкур халқаро фестивалда дунёнинг деярли барча қитъаларидан келган меҳмонлар иштирок этиши кўтилмоқда. Мерида - Ютакан ярим оролидаги энг катта шаҳарлардан бири ҳисобланади. Испан колонизаторлари келгунга қадар бу маскан майя маданияти маркази бўлиб келган.



Янгича "Нух кемаси"

ЯПОНИЯЛИК ХАЙКАЛТАРОШ АНИШ КАПУР ВА АРХИТЕКТОР АРАТА ИСОДЗАКИ ДУНЁДАГИ ЭНГ БИРИНЧИ, БЎГИРСОҚ КЎРИНИШИДАГИ ПУФЛАНАДИГАН КОНЦЕРТ ЗАЛИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРДИ.

Зал икки соатда керакли шаклни олиб, 500 кишини бемалол сиздира олади. Режага кўра, пуфланадиган концерт зали бир жойда муқим турмайди. Вақти-вақти билан мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам одамларга хизмат кўрсатади. Янгича "Нух кемаси" номини олган катта пуфак ним шаффоф бинафшаранг мембрана каби материаллардан ясалган. Унинг ўриндиқлари эса цунами чоғида талофат қўрган кедр дарахти ёғочларидан ишланган. Дунёдаги энг биринчи пуфланадиган концерт зали шу йилнинг октябр ойида томошабинларни ўз бағрига чорлайди. Очилиш маросими катта концерт намойиши билан бошланиб, ўзига хос санъат фестивали билан якун топади.

Зафар МУХАММАД тайёрлади



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ихроия Қўмитаси ва «Миллий тикланиш» газетаси тахририяти жамоаси газета мухбири Шоҳида Дамановага отаси

Марс СУЛТОНОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ихроия Қўмитаси девони партиянинг уч турдаги буклетини (А4, 150 гр. рангли 4x4, ялтироқ, силлик қоғозда) 150 000 нусхада, партия рамзи туширилган блокнот 20 000 нусхада (А5, 40 варак, 1+0) чоп этиш бўйича ҳамда девондаги компьютерлар тармоқ яратиш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 244-14-98, 239-45-53

Тошкент шаҳар ҳокимияти Йўловчи ташвиш фаолиятини мувофиқлаштириш ва лицензиялаш департаменти томонидан Алимбаева Рихси Гулямовнага 21.08.2013 йил берилган УЭР.№ 003508 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Махмуджўжаева Нодирахон номига берилган К № 2258587 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Газета ҳафтаининг чоршанба кунини қиладди. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Мадебуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақамли билан рўйхатдан ўтган. Бюрофта — Г 1019, Адади — 6055. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РУЗИЕВА

Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: milliy@arkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.

Топширилди — 00.20.

ISSN 2010-7714

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасидаги Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг учинчи босқич баҳслари якунланди.

Халқаро шахмат федерацияси шафелигида ташкиллаштирилган ушбу нуфузли халқаро шахмат Гран-приси Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хабарингиз бўлса Ўзбекистонда FIDE Гран-приси илк бор 2012 йилнинг 21 ноябрдан 4 декабрига қадар эркалар ўртасида 2012-2014 йиллардаги FIDE Гран-присининг иккинчи босқичи ўтказилган.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳият эгалари этиб тарбиялашнинг муҳим

воситаси сифатида спортни жадал ривожлантиришга диққат-эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кирсан ИЛЮМЖИНОВ,
Халқаро шахмат
федерацияси (FIDE)
президенти:

— Бугун дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатларида шахмат ривожланган. Ақл мусобақаси ҳисобланган мазкур Гран-при беллашувлари Тошкент иккинчи бор мезонлик қилмоқда. Ўзбекистонда бошқа спорт турлари қатори шахмат бўйича йирик спорт турнирларини юқори савияда ташкил этиш анъанага айланган. Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдонлардаги кетма-кет галабалари юртингизда ёшларни кучли, билимли, ва маънан баркамол инсонлар

Реклама ўрнида

“ЭРКАТОЙ БОЛАЖОН”

довруғ қозонмоқда



Истиқлолнинг нурафшон ёғдуси йла янада жилоланаётган, қадимий ва навқирон Бухоро аҳли бугун ўзгача азму шижоат ва фидоийлик билан меҳнат қилмоқда. Ана шундай юртдошларимиздан бири, янгилик яратиб чарчамайдиган Фотиما Зиёдуллаева бўлади. У мамлакатимизда тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратиб берилаётган имкониятлардан умумли фойдаланиб, оилавий бизнесини йўлга қўйди. “ERKATOY BOLAJON” МЧЖни 1июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошлаб ишга туширди. Бунга сабаб бор, албатта. Фотимани анчадан буюн юртимизда болалар учун махсус пойфазалар ишлаб чиқарадиган корхонанинг нисбатан камлиги ўйлантирди. Кўп излашлардан сўнг, бухоролик уста-дизайнер Генрих Саакян билан келишган ҳолда фаолиятни бошлади. Айни пайтда бу ерда болалар оёқ қийимларидан 8 тур тайёрланиб, ички бозорларимизга етказиб берилмоқда. Тайёрланаётган махсулотлар бежиримлиги, тоза тери-

дан тайёрлангани ҳамда сифати жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Бир-биридан чиройли бу махсулотларни кўздан кечиранкансиз, ўзимизда ҳам хорижникидан сира қолишмайдиган пойфазалар тайёрланаётганига ишонгинг келмайди.

— Катта орзу ва истаклар билан яшаётган инсон борки, яратувчанлик, бунёдкорлик ҳақида қайғуради, - дейди Ф. Зиёдуллаева. - Шу туйғу билан яшайди. Бу жараёнда, аввало, эл-юрт манфаатини биринчи ўринга қўяди. Ўз толеини Ватан тақдири, халқ тақдири

билан боғлайди. Зеро, ана шундай ўйташвишлар, саъй-ҳаракатлар билан умр кечираётган кишигина ўз мақсадига етишади.

Мамлакатимизда бугун ҳар қандай касб эгасига етарлича имконият яратиб берилган. Айни кунда “ERKATOY BOLAJON” МЧЖда 10 нафар ёшлар иш билан банд. Асосан касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга олдиқ. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, махсулот турларини кўпайтироқчимиз. Спорт оёқ қийимларини ҳам тайёрлаш ҳаракатидамыз. 2014 йилда бўш иш ўринларининг сонини 25 тага етказишни мўлжаллаганмыз.

Бугун четдан келтирилган сифатсиз махсулотларни мунтазам кийиш ёшларимиз орасида ясси товонлик ва бошқа турли ортопедик касалликларни келтириб чиқармоқда. Биз ўз олдимизга ана шундай касалликларни олдини олиш ва ички бозорларимизни сифатли махсулот билан тўлдиришни мақсад қилганмыз. Шунингдек, болалар учун махсус оёқ қийимлар ишлаб чиқариш ҳам режамизда бор. Қўлимиз-қўлимизга тегмай буюртма асосида пойфазалар тайёрланмоқда. Дизайнеримиз Генрих Саакян иқлим ва шароитимизга мос келадиган, болалар учун бежирим ва қулай пойфазаларни чизиб борапти. Ана шу дизайн асосида ишлаб чиқараётган махсулотларимиз ота-оналар, болажонлар учун маъқул келмоқда. Нархи ҳам чўнтақбоп. Ҳар қалай ўзимизда тайёрланган.